83
К98

МАТЁҚУБ ҚЎШЖОНОВ

Ижод масъулияти

CamScanner

МАҚСАД — БИР, УСУЛ — ҲАР ХИЛ

Ўзбек прозаси кейинги пайтларда катта-катта ютуқларни қўлга киритди. У кўлам жиҳатдан ўсди, улгайди, мазмунан чуқурлашди. Тематик жиҳатдан эса ҳаётнинг анчагина муҳим томонларини қамраб оладиган бўлди. Жанр жиҳатдан ҳам у хилма-хил ва ранг-баранг жило топди. Ҳар бир жанрнинг ўз усталари, бошқачароқ қилиб айтганда, ўз эгалари пайдо бўлди. Бугина эмас, ҳаётни акс эттириш методлари, услуб кўринишлари, хусусан бадиий усул — приёмлар яратиш жиҳатидан адабиётимизда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Энг муҳими шундаки, ҳамма ижодкорлар ўз ишини қурилаётган коммунистик жамиятга монанд баркамол инсон шахсини тарбиялашга бўйсундираётиб бу ишга ҳар хил йўл ва ўзига хос усуллар билан эришадиган бўлди. Бу ҳол социалистик реализм методининг қай даражада имкониятларга бой эканини, хилма-хил шаклда, ранг-баранг йўналишда асарлар ярата бериш мумкин эканини исботловчи далилдир.

Бугунги прозамизга бир назар ташласак, бизга шу нарса маълум бўладики, авторлар бир қатор асарларда ўзлари танлаган ҳаёт материали, демоқчи бўлган фикрини китобхонга кўпроқ анъанавий усул — адабий приёмлар орқали етказиш учун ҳаракат қиладилар. Улар ҳаёт материалини тартибга солиш, яхлит сюжет яратишда «Қутлуғ қон», «Навоий», «Ғолиблар» романларидагидек қаҳрамон ҳаётини хронологик тартибда босқичма-босқич тадқиқ қилиб, характерларнинг бир психологик ҳолатдан иккинчи бир психологик ҳолатга ўта боришини кўрсатадилар, ёхуд маълум бир камолот даражасидаги шахснинг жамият тараққиёти учун олиб борган кураш ва уринишларини акс эттирадилар. Кейинги бир-икки йил ичида шу хилдаги усулда қатор очерк, ҳикоя, повесть ва романлар пайдо бўлди. Уларнинг аксарияти юқори дидли китобхонга манзур ҳам бўлди.

Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар» романида асар бош қаҳрамони Аброр — ўз касб-корига ҳаётини бағишлаган, меҳнатга берилган ёш йигит. Бироқ у шахсий ҳаётда ҳанузгача учраб турадиган кераксиз урф-одатлар, тўсиқларга дуч келади, анча оғир психологик ҳолатларни бошидан ўтказади ва ниҳоят бу урф-одатларнинг жамият учун нақадар зарарли эканига ишонч ҳосил қилади. Омон Мухторнинг «Йиллар шамоли», Шукур Холмирзаевнинг «Сўнгги бекат» романлари ҳам ҳаётнинг муҳим ижтимоий масалаларини қамраб олган бўлиб, асосан ўша анъанавий усулда яратилган ёш романнависларнинг янги асарларидир.

Адабиётимиз тараққиётини белгилайдиган яна бир хусусият шундан иборатки, анъанавий усулнинг ўзида ҳам қандайдир хилма-хилликлар ва ранг-барангликлар кўзга ташланади. Пиримқул Қодиров асар ғоясини шундай қараганда майда бўлиб кўринган оилавий ва маиший масалалар фонидан (қаҳрамоннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини унутмаган ҳолда) келтириб чиқарса, худди шу усулда роман яратган Мирмуҳсин «Чотқол йўлбарси» романида хусусан табиат манзараларини берганда ажойиб романтик оҳанг ва жилодор бўёқлар топади. Ҳамид Ғулом эса «Мангулик» романида асар ғоясини кўпроқ қаҳрамонларнинг социал-революцион пландаги романтик интилишлари, шу йўналишдаги хатти-ҳаракатлар фонидан келтириб чиқаради.

Жамиятимизнинг камолоти, ҳаётимизда борган сари олға силжишлар ёзувчиларимиздан бор камчиликларни рўйиростлиги билан, зарур пайтларда сатирик усуллар билан фош қилишга имконият бераётир.

Уткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романи марказига ижобий қаҳрамон олинган. Бироқ роман жиддий реалистик планда яратилган фош қилувчи асар бўлиб майдонга келди. Шу шаклда бу роман ҳам ўзига хос, фақат Уткир қаламига мансуб услубда ёзилган асар сифатида кўзга ташланади. Бошқа бир автор — Неъмат Аминов эса Уткир Ҳошимов айтмоқчи бўлган

фикрларни бошқа жанр имкониятлари воситасида, яъни сатирик йўл билан — керак жойларда сатирик муболаға, фантастик тўқималарни ишга солиб, асар марказига салбий қаҳрамонни олади-да, йирик фош қилувчи асар яратади. Асар юкини у кўпроқ топиб ишлатилган, ҳаётда учраб турадиган, бироқ шу шаклда бошқа асарларда учрамайдиган кўринишдаги ситуацияларга юклайди. Асар сюжети марказида салбий қаҳрамон турса ҳам жамиятимиз шаънига доғ тушрадиган бирор нуқта кўрмаймиз. Бу сатирик истеъдоднинг иши экани ўз-ўзидан маълум.

Кўряпсизки, Уткир Ҳошимов ва Неъмат Аминов асарларида мақсад битта — жамиятимиз тараққиётига ёт бўлган камчиликларни фош қилиш, уларга қарши куйдирувчи ўт очиш. Бироқ улардан ҳар бири ўз йўли билан бир-биридан кескин фарқ қиладиган усуллар, жанр имкониятлари билан асар яратдилар. Худди шу фикрни Зоҳир Аъламнинг «Илк баҳор кунлари» қиссаси ҳақида ҳам айтиш мумкин. «Илк баҳор кунлари» ҳам фош қилувчи асар. Аммо Зоҳир Аълам бу ишни амалга оширишда ўзига хос, биографик-саргузашт услубини танлайди ва айтиш керакки, шу йўл билан ўзининг биринчи қиссасида муваффақият қозона олди.

Адабиётимиз тараққиёти ва китобхон дили шу даражага бориб етдики, бирор ёш автор биринчи йирикроқ асар билан адабиёт майдонига кирадиган бўлса-ю, унда биз кутган ўзига хослик, ҳаёт материалини бадиий шаклга солишда мустақил усуллар кўзга ташланмаса, китобхон уни қабул қилмай қўйиши ҳеч ган эмас.

Ёш ёзувчи Мамадали Маҳмудов «Богдон қашқири» номли қисса эълон қилди. Номиданоқ сезилиб турибдики, бу асар халқдан — ҳаётнинг табиий оқимидан узоқ турган талон-торожликка, бойлик орттиришга ҳирс қўйиб, шу туфайли босмачилар орасига тушиб, шахс сифатида тамоман тубанлашган бир тип образини яратишга бағишланган. Шу хилдаги типлар адабиётимизда, хусусан, К. Яшин, М. И. Шевердин асарларида кўплаб яратилди ва улар ноинсонийликнинг яққол намунаси сифатида китобхон онгидан ўрин олди: шу билан ҳамма ган айтилгандек бўлган эди. Мана энди Мамадали Маҳмудов халқдан узоқлашган салбий типларга яна бир ранг берди. Буни у ўзига хослик, фақат ўзига хос йўл, усул билан амалга оширгани учун китобхон қиссани қабул

қилди. Ган шундаки, асарда танланган бош образ бутун ахлоқ принциплари, фалсафий қарашлари билан одамийлик хислатларидан маҳрум. Бироқ у катта жисмоний куч ва ирода эгаси. Ёзувчи минг афсус билан қайд қиладики, бу куч ва иродани у жамият ҳаётига хизмат қилдиришга эмас, балки жамиятнинг революцион тараққиётига қарши ишлатади. Қиссани ўқий туриб унинг тубан башарасини биз катта қилиб кўрсатадиган кўзгуда кўргандек бўламиз. Ҳаётнинг прогрессив оқимидан чеккага чиққан шахснинг емирилиш манзарасини кўрамиз.

Мамадали Маҳмудов-ку ўз «куч ва қудратини» жамият тараққиётига зид қўйган шахс фожиасини яратди. Бошқа бир ёш автор Уктам Ҳакимали бутун бир жамият бошига тушган оғир кулфат — Улуғ Ватан уруши даврида оддий кишилар — ёш-яланг, хотин-халаж, заиф хонадонлар бошига тушган фожиавий ҳолатларни тасвирлаб, «Одамлар, янги уруш хавфидан огоҳ бўлинглар», дегандек бўлади. Мамадали Маҳмудовда ҳам фожиа, Уктам Ҳакималида ҳам фожиа. Бироқ уларда охирги мақсад — жамият поклиги ва тинчлигини ҳимоя қилиш бўлса ҳам, мақсадга эришиш йўллари ҳаёт материалини танлашдан тортиб, воқеликни тасвирлаш усулларигача — бошқа-бошқа.

Адабиётимизда жанрий изланишлар бўлаётгани ҳам қувонарли бир ҳолдир. Жанрий янгиликлар камолот сари интилаётган адабиётимизга хос бир белги экани ҳам маълум.

Ўтган йили шоир Шукрулло «Жавоҳирлар сандиғи» номли ўзининг биринчи насрий тажрибасини эълон қилди. Бу қисса ҳам эмас, роман ҳам эмас, очерк ҳам эмас. Бу ҳаётда етарли тажриба орттирган, орқага ўтган ҳаёт йўлига бир қайрилиб қараб, кўрган-билганларидан хулосалар чиқаришга қодир ёзувчининг ўй ва фикрларидир. Асар ўзининг бир неча белгилари билан китобхонда қизиқиш уйғотади. У ўзининг поэтик асарлари билан халқимизга маълум бўлиб қолган шоирнинг биографияси: шу билан баробар асар шоирнинг поэтик машқлари тарихи, баъзи бир шеър ва драмаларнинг яратилиш жараёни ҳамдир. Бугина эмас, «Жавоҳирлар сандиғи» санъаткор дунёқарашининг шаклланиш, камолот йўли ҳам. Булардан ҳам муҳими шундаки, Шукрулло ўзининг кўрган-кечирган воқеаларини бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилади, «Қиссалардан

ҳисса» чиқариб, ўз хулосаларига китобхонни шерик қилади. Шу сабабдан асар муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Ўзбек совет адабиёти тарихида биографик асарлар яратилди. Бироқ «Жавоҳирлар сандиғи»дек ҳаёт билан ижод бирлиги таҳлилига бағишланган асар ҳали йўқ эди. Бу жиҳатдан Шукруллонинг асари жанрий янгилик бўлди.

Бадиий ижодда ўзига хослик проблемаси ниҳоятда мураккаб масаладир. Ё у даражадаги, ё бу даражадаги ўзига хосликни ҳамма ёзувчилардан ҳам, барча асарлардан ҳам излаб топиш мумкин. Бироқ ўша ўзига хосликнинг сифати, даражаси ҳар хил. Баъзи ёзувчилар ижодида ва ёки айрим асарларда ўзига хослик камроқ сезилади. Бир хил асарларни ўқисангиз, худди шунга ўхшаган асарларни илгари кўплаб ўқигандек сезасиз ўзингизни. Айрим пайтларда асар ўқиб, ундаги ўзига хослик нимада эканини энг зўр олим ҳам англай олмай қолади. Истеъдод билан ёзилган асарлардагина бу нарса яққолроқ кўзга ташланиши мумкин. Бу жиҳатдан кейинги пайтларда ёзилган прозаик асарлар ичида Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романи катта воқеа бўлди.

Гап «Диёнат»да танланган воқеада эмас, ёзувчининг ўз олдига қўйган мақсадида ҳам эмас. Шу хил материал жалб қилиб, шу хил мақсадда асар яратган ёзувчилар илгари ҳам бўлган. Айтиш керакки, бу хил асарлар ичида оғизга тушганлари ҳам кам бўлмади. Гап бу ерда кўпроқ ҳаёт материалини йириқроқ бир мақсадга бўйсундиришда ва уларни санъаткорона шаклга сола билишда, шу йўл билан айтиладиган гапни интеллектуал нафислиги билан китобхонга етказа билишдадир. Одил Ёқубов эса қамраб олинадиган ҳаёт материалини фақат вақт ва ўрни жиҳатдан эмас, битта йирик социал масала нуқтаи назаридан ҳам бир нуқтага йиға олди. Марказий масала талаб қилмаган материалдан кечди (бу катта жасорат!). Талаб қилинган материални авайлади, ардоқлади, қадрлаб, ўрнини топиб ишлатди (бу санъат!).

Одил Ёқубов мақсадга эришишда юқорида биз қайд қилган анъанавий йўлдан бормайди, бошқача йўл тутади (бу ерда биз анъанавий усулни қораламоқчи эмасмиз). Қаҳрамонлар ҳаётини тасвирлашда психологик жиҳатдан ниҳоятда масъулиятли қисқа даврни танлайдида, асарнинг қарийб ҳар бобида доим орқага назар ташлаб боради. Уларнинг бугунги хатти-ҳаракатларини ўтмишдаги ҳаёт йўли билан мантиқан далиллаб беради. Бу усул туфайли, биринчидан, воқеалар қуюқлашади, иккинчидан, бири-кетин «жумбоқ»лар яратилиб, асарга нисбатан китобхонда доимий қизиқиш пайдо бўлади.

Биз бу ерда кўпроқ ўзбек прозасининг кейинги ютуқлари ҳақида гапирдик. Лекин ўзига хосликка урина туриб китобхон талабига жавоб беролмайдиган сунъий воқеалар, ишониб бўлмайдиган ситуациялар асосида қоғоз қоралаб, жилд тўлдирадиган ёзувчилар йўқ эмас. Бундан ташқари ўзбек адиблари ҳали ҳам ҳаёт олдида қарздор. Кундан-кунга ошиб бораётган ҳаёт талаби нуқтаи назаридан қараганда, адабиётимиз, хусусан бадиий проза олдида катта довонлар турибди. Қурилаётган янги шаҳарлар, очилаётган ерлар, ишга тушаётган сув иншоотлари, бунёд бўлаётган завод ва фабрикалар — булар совет кишиларининг куч ва қудрати, букилмас иродаси туфайли бўлаётир. Бироқ ҳали ҳам ёзувчиларимиз бу ишларининг ичига етарли даражада кириб боролганлари йўқ. Бу ишларни амалга оширишда сарф бўлаётган маънавий қувват манзараси ҳали ҳам тўла очилаётгани йўқ.

Биз ёзувчиларимиздан бугунги китобхон дидига мос келадиган, яна ҳам кўламли ва бадиий жиҳатдан яна ҳам юксак асарлар кутишга ҳақлимиз.

1978